Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
28 ОКТЯБРЬ 1969 й.
СЕШАНБА
№ 253 (1016).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Коммунистик меҳнат зарбдори Пётр Костенко В. И. Ленин музейи қурилишида ишлаётган илғор комплекс бригаданинг бошлиғи. Бу моҳир қурувчи бошчилик қилаётган бунёдкорлар бригадаси смена ва кунлик топшириқларини 1,5 баробар адо этмоқда.

СУРАТДА: П. Костенко.

СОВЕТ — ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

27 октябрь куни Катта Кремль саройида Совет — Чехословакия қўшма баёнотини имзолаш маросими бўлди.

Баёнотни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин;

Чехословакия томонидан — ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Людвик Свобода, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР федерал ҳукуматининг Раиси Олдржих Черник имзоладилар. (ТАСС).

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

27 октябрда Кремлда Совет—Чехословакия музокараларининг якунловчи қисми бўлиб ўтди.

Музокараларда Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва бошқалар иштирок этдилар.

Музокараларда Чехословакия томонидан Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Людвик Свобода, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Бош вазири Олдржих Черник ва бошқалар қатнашдилар.

Илгари бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар вақтида муҳокама этилган масалалар юзасидан фикрлашувлар тугалланди. Ҳар иккала делегация шуни якдиллик билан таъкидладиларки, Чехословакия Социалистик Республикаси партия-давлат делегациясининг визити Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намойиши бўлди. Визит КПСС билан ЧКП, совет халқлари билан чехословак халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшилган шубҳасиз муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Совет—Чехословакия қўшма баёноти қабул қилинди.

Визит КПСС билан ЧКП, совет халқлари билан чехословак халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшилган шубҳасиз муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Совет—Чехословакия қўшма баёноти қабул қилинди.

вазиятида ўтди. (ТАСС).

МОНГОЛИЯЛИК ДЎСТЛАРИМИЗ ҲУЗУРИГА

ТОШКЕНТ — УЛАН-БАТОР. Халқлар дўстлигининг янги катта байрамида — Монголия Халқ Республикасида ўтказиладиган Ўзбекистон ССР кунларида қатнашувчилар 27 октябрь эрталаб шу маршрут билан Тошкент аэродромидан самолётда жўнаб кетишди.

Қардош социалистик республика пойтахтига жўнаб кетганлар орасида республикамизнинг санъат усталари, олимлар, ёзувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари бор. Республикамизнинг ҳукумат делегациясига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов бошчилик қилади.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

УЛАН-БАТОР, 27 октябрь. (МОНЦАМЭ). Бугун Монголия пойтахтининг аҳолиси монгол-совет дўстлиги ойлиги тадбирларида ва Ўзбекистон ССРнинг Монголия Халқ Республикасидаги кунларида қатнашиш учун келган Совет Ўзбекистони жамоатчилиги вакилларининг делегациясини қизғин ва шодиёна кутиб олди. Делегацияга Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов бошчилик қилмоқда.

Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар, Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг секретари, Монголия—Совет дўстлиги жамияти марказий совети президиумининг раиси Б. Лхамсурэн, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Монголия—Совет дўстлиги жамияти марказий совети президиуми раисининг ўринбосари Ц. Пунцагноров ва бошқа расмий кишилар азиз меҳмонларни кутиб олмоқ учун бу ерга келдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Монголия Халқ Республикасидаги элчиси С. Н. Шчетинин, совет элчихонасининг дипломатия ходимлари, бошқа бир қанча мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари бор эди.

Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Монголия—Совет дўстлиги жамияти марказий совети президиуми раисининг ўринбосари Ц. Пунцагноров ўзбекистонлик меҳмонларга мурожаат қилиб табрик нутқи сўзлади.

Митингда Совет Ўзбекистони жамоатчилиги вакиллари делегациясининг бошлиғи М. М. Мусахонов жавоб нутқи сўзлади.

Уй муборак! Ҳовли тўйлари

Чилонзордаги Дўмбробод массиви ой сайин обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Жумладан, кейинги икки йилнинг ўзида 16-шаҳар касалхонасининг 5 қаватли янги бинокорлари, 1 та мактаб, 1 та хўжалик ва маданий моллар ҳамда 2 та озиқ-овқат магазинлари, болалар боғчаси, чойхона, «Ўзбекстройинструмент»нинг марказий базаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Массивдаги поликлиника аҳолига яхши хизмат кўрсатмоқда. Шу кунларда бу ерда улкан ипподром, янги пойафзал фабрикаси, иккита болалар боғчаси, 16-шаҳар касалхонасининг кўкрак хирургияси корпуси, шунингдек, 15га яқин турар-жой бинолари ва бошқа кўплаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун

153-қурилиш трестининг 34-қурилиш бошқармаси ва 6-қурилиш трестининг 12-пардозлаш бошқармалари Наққошлик кўчасида 5 та 4-5 қаватли, жами 223 оилага мўлжаллаган уй-жой қурилишини тугалладилар. Бу уйларни давлат комиссияси қабул қилиб олди.

Шу кўчанинг Ўсмир проездида эса Ўрта Осиё совхозлар қурилиши бошқармаси учун қурилаётган бешта бинода пардозлаш ишлари яқинлашиб қолди. Кўплаб оилалар янги йилни шу уйларда ўтказадилар.

БИЗ СИЗ БИЛАН, ЭЛЛАДА ФАРЗАНДЛАРИ!

Грек ватанпарварлари билан бирдамлик митингидан

Кеча Куйбишев район партия комитетининг мажлислар залида шаҳар меҳнаткашларининг озодлик ва демократия учун курашаётган грек ватанпарварларига бағишланган бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Ўтган йили июнь ойида Женевада грек демократиясини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтиши муҳим воқеа бўлганди. Бу конференцияда 28 октябрни «ОХИ» — фашизм йўқ бўлсин!» деган куни ўтказиш тўғрисидаги грек демократлари билан бирдамлик Совет комитетининг таклифи бир овоздан маъқулланган эди. Бу грек халқининг миллий озодлик кураши тарихида муҳим санадир.

1940 йилнинг худди шу кунида қадимий Эллада халқи Муссолини фашист ҳукуматига топширган ультиматумида «йўқ» деб мардларча ва қатъий жавоб берганди.

Грецияни гитлерчилар оккупациясидан озод этилганининг 25 йиллиги байрами муносабати билан Совет Иттифоқида 20—28 октябрь грек демократлари билан бирдамлик ҳафталиги деб эълон қилинди.

Митингда шаҳар жамоатчилиги номидан: врачлар малакасини ошириш институти терапия кафедрасининг мудири, профессор А. С. Мишкин, трактор заводининг асбобчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Демерчидис Анастасис, Тошкент консерваториясининг 4-курс студенти Насиба Жумабоева, грек партия ташкилотининг Тошкент парткоми биринчи секретари Касюрас Дмитрис ва бошқалар сўзга чиқишди.

Сўзга чиққанлар Грецияда фашистлар диктатураси устида турган «қора полковниклар»нинг ярамас ишларини қораладилар, ноҳақдан қамоқда ётганларнинг озод этилишини талаб қилдилар.

Митингда қабул қилинган резолюцияда шаҳар меҳнаткашлари озодлик ва демократия йўлида адолатли кураш олиб бораётган грек ватанпарварлари билан бирдам эканликларини билдирдилар.



Тошкентдаги «Узхлопкомаш» заводи мамлакатимиз ва бир қанча социалистик мамлакатларнинг пахтани ишлаш саноати учун турли хил замонавий машиналар тайёрлаб бермоқда. Ҳар куни бу ердан юзларча турли хил машина ва механизмлар жўнатилади.

СУРАТДА: бош йиғув цехидаги янги тайёрланган ОПХ-3 пахта тозалаш агрегатлари. М. Нуриддинов фотоси.

● *Янгиликлар адреси:*

МИКРОДВИГАТЕЛЬ

Лаборатория шароитида яратилган янги микродвигателнинг афзал томонлари мутахассисларнинг таърифтавсифига сазовор бўлди.

Москвалик олим СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Г. Петров бу ихтиронинг ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришдаги катта роли ҳақида гапирса, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Ҳомидхонов эса уни техникада янгилик деб баҳолади. «Ташэлектромаш» заводи, Самарқанддаги электромеханика заводи инженерлари ўзларининг ижобий фикрларини баён этилган мактубларини йўллашди.

Чиндан ҳам янги микродвигатель саноатда, айниқса электромеханика соҳаси билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда олимларга жуда қўл келади. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти электротехника лабораториясининг бир группа олимлари яратган бу агрегатдан республикамиз корхоналарида микродвигателлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини тадқиқ этишда ҳам кенг фойдаланилади.

ФАБРИКА ҚАЙТА ҚУРИЛМОҚДА



СУРАТДА: шаҳардаги электр монтаж асбоблари заводи йиғув цехининг шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал адо этган зарбдор монтажчиларидан коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Александр Ан ўртоқлар электр шчити блокини монтаж қилмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

Уйғур кўчасида 3-тикув фабрикасининг янги биноси кўзга ташланиб қолди. Бино лойиҳасини «Ташгипрогор» институтининг лойиҳачи инженерлари тайёрлаб беришди.

Янги лойиҳа бўйича фабрика биноси икки қаватдан иборат бўлиб, у индустриал асосда бунёд қилинмоқда. 400 чевар ишлайдиган бу йирик ишлаб чиқариш корпусида унумли меҳнат қилиш учун ҳамма шароит муҳайё этилади.

Бинони бинокорлар В. И. Ленин туғилган кунининг шонли 100 йиллиги арафасида совға қилмоқчилар.

М. Шокирхўжаева,
3-тикув фабрикаси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

27 октябрда Кремлдаги Съездлар саройида Совет — Чехословак дўстлиги митинги бўлди.

Чехословакия Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари билан безатилган жуда катта залда москваликлардан олти мингга яқин киши Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Густав Гусак бошчилигидаги ЧССР партия-давлат делегациясининг аъзоларини табриклаш учун тўпланишди.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган чехословакиялик дўстлар билан бирга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, бошқа совет партия, давлат, жамоат арбоблари президиумдан жой олдилар.

Митингни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очди.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Л. Свобода, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак нутқ сўзладилар.

Қурилиш хабарлари

ИШ ЖАДАЛ

Шу кунларда пойтахтимизда бунёд этилаётган Ленин музейида иш жадал. Музей биносига пардоз бериш ва атрофини ободонлаштириш ишлари мардонавор меҳнат қилаётган қурувчилар, нинг бу кунги гайратшижоатлари ўзгача.

Айниқса юбилей объектини ҳуснига-ҳуснга қўшилишига биринчи пардозлаш трестига қарашли 20-бошқарманинг Самуэ Саторов бошлиқ пардозловчилар бригадаси салмоқли улуш қўшяпти.

Ленинча вахтада туриб меҳнат қилаётган қўли гул сайқалчилардан Аҳмад Шукуров, Ғафур Боситов, Мақмуна Шарипова ва бошқалар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.



СУРАТДА: ўз шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал адо этиб, ҳозир 1971 йил ҳисобига ишлаётган 1-пойафзал фабрикасининг илғор пойафзалчиси Надя Котелева.

● *Шаҳар қишга шайланмоқда*

СЎНГГИ СИНОВЛАР

Ҳамшаҳарларимизга ўтган йилги қиш кўпгина қийинчилик ва ташвишлар келтирди.

Қиш сабоқлари «Таштеплосеть» ишига кўпгина ўзгаришлар киритди. Утган йилги машаққатлар қайтарилмаслиги ва янги мавсумга пухта ҳозирлик кўриш учун катта ишлар қилинди.

Иссиқлик трассаларининг бугунги кунда тайёргарлиги қандай? Мухбиримиз: «Таштеплосеть» бош инженери Леонид Ефимович Гиршевичдан бу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Бизга қарашли иссиқлик трассаси қозонхоналардаги иссиқ сувни хонадонларга узатади. Бу катта масъулиятни талаб қилади. Бизнинг йўл қўйган ҳар бир камчилигимиз бир неча хонадонларни иссиқлик ва иссиқ сувсиз қолдириши мумкин.

Иссиқлик трассасидаги асосий тайёргарлик ишлари бутун ёз давомида олиб борилди. Иссиқлик тармоқларини ремонт қилиш, шунингдек, нормадаги иссиқликни узатиш учун лозим бўлган техник шарт-шароитларни яратиш билан машғул бўлдик.

Бугунги кунда квартал аро иссиқлик узатувчи 130 километрли иссиқлик трассаси фойдаланишга тайёр қилиб қўйилди. Уларнинг ремонти ўз вақтида тугалланди. Ўтган йилги қиш бир қатор участкалардаги қувурларни алмаштириш лозимлигини кўрсатди. Бу ишларнинг аксарияти бажарилди.

— Леонид Ефимович, олиб борилган ремонт ишлари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз?

— Иссиқлик камераларини ажратиб турувчи илгак арматуралар, компенсаторлар ремонти бўйича катта ишлар қилинди. Қувурлар ва бутун системани гидравлик усулда ювиш ишлари олиб борилди.

Капитал ремонт ишларида ташкилотимиз билан биргаликда республика энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли корхоналар, «Узбекэнергоремонт» бошқармаси ҳам фаол қатнашди. Ҳамкорликда барча ишларни графикда белгиланганидан олдин бажаришга муваффақ бўлинди.

— Иссиқлик тармоқларини бу йилги мавсумга тайёрлашда нималарга кўпроқ эътибор берилди?

Бу йил ўтган йилдагига нисбатан саккиз баравар кўп иш қилинди. Бу эса уйлардаги иссиқлик тармоқларига етарли босим билан иссиқлик бериш имконини беради.

Ҳозир шаҳар иқрозия комитетининг қарори билан трубопровод ва иситиш системалари дастлабки синовдан ўтказилаётир. Бу ёзда кўзга ташланмай қолган баъзибир нуқсонларнинг олдини олиш имконини беради.

Ремонт бригадаларининг бирнчи бор кеча-кундуз узлуксиз-навбатчилиги ташкил қилинди. Иссиқлик таъминотидаги аварияларни тезда бартараф қилиш учун бу бригада транспорт, керакли техника воситалари ва рация билан таъминланди.

Яна бир янгилик Чилонзор ва шаҳар марказий тармоқлар бўйича хизмат қилиш участкаларига бўлинди. Шунга мувофиқ иситиш системалари ҳолатини назорат қилиш янада яхшиланди.

● *Теннис бўйича мамлакат биринчилиги*

Об-ҳавога қараб

Тўғрисини айтганда Тошкент ҳавоси теннис бўйича СССР биринчилиги мусобақаларининг ташкилотчиларини ҳам, спортчиларни ҳам жуда ташвишга солиб қўйди. Бетайин ёмғир сабабли шанба ва якшанба кунларидаги мусобақалар ярим кундан давом этди. Айрим учрашувларнинг сўнгги партиялари ёмғир остида давом этди.

Бахтга қарши мукофотли ўринлар учун кураш ҳақидаги бундан сўнгги ахборотларимизда ўзбек спортчиларининг номлари қайд қилинмайди. Мусобақанинг дастлабки этапларидаёқ мағлубиятга учраган, теннисчиларимиз энди биринчиликнинг иккинчи эшелонида курашадилар. Тошкентлик спорт мастери В. Каплан финалнинг нимчорагига чиқиш имкониятига эга эди. Аммо бундай бўлмади. Мамлакатнинг тўққизинчи ракетаси Юшка устидан ғалаба қозонгандан сўнг эстониялик Эвинг билан учрашувда мағлубиятга учради. Ҳисоб 5:7, 6:3, 3:6, 1:6. Энди у фақат 17-ўрин учун курашиши мумкин.

«Буревестник» КСЖ Марказий советининг чемпиони ўзбекистонлик теннисчи Сорокотяга ҳам нимчорак финалга чиқолмади. Таллинлик спорт мастери мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиларидан бири Киви унинг йўлига ғов бўлди (6:1, 6:2). Биринчиликнинг мағлубиятга учрамай келаётган 16 ўйинчиси қаторида москвалик Морозова, киевлик Бакшеева, ленинградлик Еремеевалар бор.

Совет теннисининг ветерани Мозер ва москвалик Лунининг учрашуви айниқса катта шовшувга сабаб бўлди. Тўғрисини айтганда киевлик теннисчи бу учрашувда ғалаба қозонишига камдан-кам одам иккиланган эди. Биринчи партияни Мозер 6:1 ҳисоби билан ютди. Иккинчи партияда эса Лунининг кўли баланд келди— 8:6. Учинчи партияни яна Мозер 6:4 ҳисоби билан ютди. Қолган икки сетда Лунин юксак маҳорат билан ўйнаб, ғалаба тарозини ўз томонига оғдирди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БЕЛЬГИЯ НАТОдан ЧИҚИШИ КЕРАК

БРЮССЕЛЬ, 25 октябрь. (ТАСС). Бельгия Коммунистик партиясининг органи — «Драпо Руж» газетаси Бельгия агрессив НАТО блокидан чиқсин, деб даъват қилди. НАТОнинг тузилиши, деб ёзади газета, бутун ер юзи халқларининг ҳафсизлигини тахлика остида қолдирди.

НАТОнинг фаолияти, деб ёзади «Драпо Руж» газетаси, халқларни эзишга қаратилган. Бу блок ҳозир бир қанча мамлакатларда мавжуд бўлган фашистик режимларни қўллаб-қувватламоқда, Грецияда ҳарбий режим ўрнатилишига ёрдам берган ҳам у. Шимолий Атлантика блоки Бельгия мустақиллигини хавф остида қолдиради.

Газета шуни таъкидлаб ёзадики, Бельгия Коммунистик партияси Европа хавфсизлиги системасини вужудга келтириш учун, ҳарбий блокларни тарқатиб юбориш учун курашмоқда. Бу эса «империалистик ва милитаристик кучларнинг уясн бўлган НАТОдан Бельгиянинг чиқиб кетишини тағин ҳам зарур вазифа қилиб қўяди». Газета Бельгия жамоатчилигига мурожаат қилиб, Бельгиянинг НАТОдан чиқиши учун, Бельгия ҳукуматининг актив бетарафлик сиёсатини ўтказиши учун курашни кучайтиришга чақиради.



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.
СУРАТДА: Пхеньяндаги Корея революцияси музейининг кўриниши.

● *Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари*

ПАРТКОМ ВА ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ

Ленин орденли «Таштекстильмаш» заводи коллективи тўқимачилик саноати корхоналарини янги техника билан таъминлаш борасида катта ишлар қиляпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализация қилиш тўққиз ойлик плани ортиғи билан бажарилди. Икки юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Белгиланган қўшимча даромад миқдори саксон минг сўмга оширилди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида завод партия комитети секретари А. П. Степановнинг докладини тингланглар корхонада барча ишлар ҳам кўнгилдагидай эмаслигига қаноат ҳосил қилдилар. Докладчи партия комитети фаолиятидаги камчилик, етишмовчиликлар хусусида тўхталиб ўтди. У завод коллективи янги-янги машина намуналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштираётганликларини айтди. Аммо шунга корхона фаолиятини тўла-тўкис таҳлил қилмади, партия комитети ва унинг атрофига уюшган коммунистларнинг техника прогресси йўлида олиб борган кураши докладдан четда қолиб кетди.

Бу эса музокарада сўзга чиққан ўртоқларнинг эътиборидан четда қолмади, албатта. Конференция делегатлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи иш процессларини механизациялаш, автоматлаштириш каби масалалар ҳақида гапирган ўртоқларнинг чиқишларини эътибор билан тингладилар.

Музокарада сўзга чиққанларнинг гапларидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Таштекстильмаш»даги айрим жавобгар ўртоқлар кўпчилик ҳолларда юз бераётган янгиликларни сезмай қоладилар, ҳаёт тақозо этган масалалар ҳамма вақт ҳам эътиборга олиниб, тегишли тадбирлар белгиланавермайди. Ана шундай камчиликлар тўғрисида завод коммунистларининг аввалги конференциясида ҳам жиддий гаплар айтилганди. Бироқ партия комитетидаги раҳбар ўртоқлар танқиднинг тўғрилигини тан олсалар ҳам, ундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмадилар.

Корхонада техника прогрессининг кўнгилдагидай бўлишида қуюв, эритиш процессларини реконструкция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Партия комитети бу масалага алоҳида эътибор бериб, кенгайтирилган қарор ҳам қабул қилган эди. Қуюв цехи партия бюросининг секретари ўз сўзида шуларга тўхталди.

Ўн беш пунктдан иборат бўлган партком қарорининг 9 таси бажарилмасдан қолди. Биз партия комитети ўзи қабул қилган қарорнинг ижросини доимо назорат қилиб борарди, деб ўйлаганди. Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ҳозирги талаб даражасида эмас. Цехда поток линия ўрнатилди. Бу эса ана шу участкада меҳнат қилаётган ишчилар сонини қисқартириши керак эди, аммо, аксинча, улар сони ортди.

Конференцияда сўзга чиққан делегат А. М. Қондрашов ўзамкасб ўртоғининг танқидий фикрларига тўлиқ қўшилади. У шундай дейди:

— Бизнинг асосий йўналишимиз механизациялаш ва автоматлаштиришдан иборат бўлмоғи зарур.

2-механика цехининг бошлиғи С. П. Тетушкин унинг фикрини янада тўлдирди:

— Кординациялашни ҳал қилмасдан туриб, ишлаб чиқаришда олға силжишимиз гоят қийиндир. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни олиб кўрайлик. Бу соҳада цехлардаги иш процессларини механизациялаштирмасдан туриб, кутилган натижани қўлга киритиб бўлмайди. Меҳнатни илмий ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ишлаб чиқаришнинг тобора ўсиб бораётган талабларига жавоб беролмай қоляпти. Бу меҳнатни илмий ташкил қилишни янада мукаммалроқ ҳал қилишни талаб этади. Партия комитети меҳнатни илмий ташкил қилиш ва унинг самарадор бўлиши учун олиб борилган қурашга етарлича эътибор бермади.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан делегатлар ҳам ишлаб чиқариш процессларини техника воситалари билан таъминлаш борасида яна кўпгина ишларни бажариш зарурлигини қайд қилдилар.

Техник ҳисоблаш нормасини жорий этиш зарурати тугилганига кўп вақт бўлди. Аммо бу муҳим ишга на маъмурият, на завод, касаба союз комитети раҳбарлари эътибор беради. Партия комитети ҳам бу ишдан четда қолаётир. Нормалашни яхши йўлга қўйилмаганлигига цехлардаги иш процессларининг яхшиланишига ўз бўлса ҳам таъсир қилмоқда.

Бош инженер И. И. Пяних цехларда шу вақтга қадар «фойдали ва фойдасиз» нормалашлар мавжудлигини айтди. У яқин вақтларда техник жиҳатдан ҳар томонлама асосланган янгича нормалашни ишлаб чиқишни ўртага ташлади.

Тўқимачилик машиналозлиги махсус конструкторлик бюроси қошидаги партия ташкилоти секретари Г. В. Колбасин қуйидагиларга тўхталди:

— Коммунист-конструкторларни тўқимачилик саноати, шунингдек, заводда техника прогресси тўғрисидаги масала даъвонга солиб келмоқда. Агар биз бу иш билан қизиқмасак, ким қизиқади? Заводда янги техникага бўлган эътибор йил сайин ёмонлашмоқда. Завод дирекцияси папкасида икки йилдан буён сақланаётган буюртмалар ўз қийматини йўқотиб бормоқда. Бу камчиликларнинг ҳаммаси цехлардаги партия ташкилотларида янги техника тўғрисидаги масалани бирор марта муҳокама қилинмаганлиги оқибатидир.

Июнь ойида биз топширган янги машиналар «скелети»-модели кўрилмасдан келинаётир. Корхона раҳбарлари эса қандай бўлмасин планни бажаришса бас! Бу бир қатор янги машиналар ишлаб чиқаришимизга ҳалақит бермоқда.

...Завод қошидаги жамоатчилик асосида ишловчи иқтисодий бюро фаолияти ҳам сусайиб кетган. Шунга асосланиб, корхона раҳбарлари истиқболни ўйламасдан иш юритмоқдалар, деб бемалол айтиш мумкин. Фикримизнинг аниқроқ бўлиши учун қуйидаги рақамларни келтирамиз. Сўнгги бир йил давомида иш ҳақи 9.5 процентга, меҳнат унумдорлиги эса 2,5 процентга ошган. Ўз-ўзидан аниқки, меҳнат унумдорлиги нисбати иш ҳақидан доимо юқори бўлиши керак.

Конференцияда Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. И. Акимова «Таштекстильмаш» заводида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб бораётганлигини мисоллар асосида айтиб ўтди.

Шу йил октябрь ойи бошларида КПСС Марказий Комитети Шекинскдаги химия комбинати партия ташкилотининг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ишига корхона коллективини сафарбар этиш тўғрисидаги иш тажрибасини маъқуллади. Бунга меҳнатни нормалашнинг прогрессив усулларини қўллаш, оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи иш процессларини механизациялаш: бошқариш структурасини такомиллаштириш натижасида эришилади, албатта. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлларини ўйлаб кўриш керак.

Юқорида айтиб ўтилган масалаларни ҳал этишни заводнинг янги сайланган партия комитети ўзининг ташкилий ва идеология соҳасида олиб бориши керак бўлган жонажон иши, деб қарамоғи керак.

Чинакам назорат ўрнатиш ва қарор ижросини текширишда раҳбар ходимларга бўлган талабчанликни, принципиалликни намунали йўлга қўйишни ҳам партия комитети доимо диққат марказида тутиши лозим.

Р. ПЛУНГЯН.

ВЕТЕРАНЛАР КЕНГАШИ

Туркистон ўлкаси территориясидаги октябрь жанглари ва гражданлар урушининг актив катнашчиси, Тошкентнинг энг кекса коммунистларидан бири Нишон Ризаев шаҳар революцион, меҳнат ва жанговар шуҳрати клубининг раиси қилиб сайланди. Ярим аср муқаддам ёш коммунист туркистончи жангчилар орасида ўзининг биринчи суҳбатини ўтказган эди. Уша вақтдан бери у омма орасида тинимсиз сиёсий иш билан шуғулланиб келмоқда. Унинг Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги хотираларини, Я. М. Свердлов номидаги коммунистик университетда ўқиган лекциялари, шунингдек, Советларнинг VIII Бутунроссия съездидаги нутқи тўғрисидаги эсдаликларини ёшлар зўр эътибор билан тингламоқдалар.

Нишон Ризаев — Тошкент ветеранлари клубининг 120 аъзосидан бири. Улардан кўпларининг партия стажи ярим асрга етди ва ундан ошиб кетди. Улар орасида чамаси ўн киши Ильичнинг жўшқин сўзини эшитиш ва унинг ўзини кўриш, айримлари эса унинг топшириқларини бажариш бахтига мушарраф бўлган. Ана шу унутилмас кунлар тўғрисидаги хотиралар В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигига бағишланган суҳбатларнинг асосий мавзуи бўлиб қолди.

Кенгаш яқин ойларда қилинадиган ишларнинг катта планини ишлаб чиққан. Унда Ленин юбилейи мавзуларига асосий эътибор берилган.

(ЎзТАГ).

Ажойиб ташаббус

Доҳий таваллудининг бир асрлик тўйи яқинлашган сари барча яхши ниятли кишиларда унинг ҳаёти, кўп қиррали революцион фаолияти ва назарий меросини ўрганишга бўлган талаб янада кучайиб бормоқда. Бу борада лекция пропагандаси заҳматкашлари амалга ошираётган кўпгина қизиқарли тадбирлар эътиборга молиқдир.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти Республика Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари билан ҳамкорликда В. И. Ленининг қонуншунослик ва фалсафа оламида яратган назарий ёдгорликларини кенг таргиб этиш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқди. Шу мақсадда пойтахтимиз районларидаги маҳаллаларда, энг йирик олий ўқув юртлари ва корхоналарда лекция, тематик кечалар, семинар, конференциялар ўтказилади. Пропаганданинг турли форма ва методларидан унумли фойдаланилади.

Куни кеча Ҳамза районидаги «Ташкентвино» комбинатининг клубида «Ленин — марксизмнинг буюк назариётчиси» темасидаги ўтказилган илмий-назарий конференция катта ишнинг дебочаси бўлди.

100 киши йиғилган бу конференцияда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори М. Хайруллаев «Ленин томонидан марксистик фалсафанинг ривожлантирилиши», фалсафа фанлари кандидати А. Файзуллаев «В. И. Ленин ва ҳозирги замон табиатшунослиги», фалсафа фанлари доктори А. Валиев, «В. И. Ленин ва интеллигенция», фалсафа фанлари кандидатлари Т. Абдушукуров, М. Баратов, ва М. Усмонов ўртоқлар «В. И. Ленин ижтимоий тараққиёт ҳақида», «В. И. Ленин томонидан буржуа идеологиясининг танқид қилиниши», «В. И. Ленин ва ҳозирги замон миллий озодлик ҳаракати» деган мавзуларда сермазмун доклад қилдилар.

Ж. МУМИНОВ.



«Ташсельмаш» заводининг ишчилар коллективи шу корхонанинг тажрибали конструктори, моҳир пропагандист Александр Борзунов номини ҳурмат билан тилга олади. Шу ерда баракали меҳнат қилаётган бу ишчан конструктор 15 йилдан буён марксизм-ленинизм сиёсий тўгарагида бошчилик қилиб келади.

СУРАТДА: А. Борзунов.

М. Нуриддинов фотолари.

Меҳнат мадҳияси

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг мажлислар зали студентлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Улар учинчи семестр — меҳнат семестрини Иркутск шаҳрида, Урганч, Хива ва Питнакда муваффақиятли ўтказган бинокор-студентлар билан бўладиган учрашув кечасида тўпландилар.

Кечани институт комсомол комитетининг секретари К. Гром тантанали суратда очиб, бинокор-студентларни табриклайди.

Шундан кейин Хоразм область комсомол комитети номидан бир группа студентларга фахрий ёрлиқлар ва мукофотлар берилди. Булар орасида Олим Гадоев, Кенжа Қулбошев, Сахмар Шамсулин, Болта Қурбонов, Раззоқ Холбоев каби студентлар бор.

Кеча охирида «Ровесник» бадиий ансамбли иштирокида катта концерт берилди. Бу кеча меҳнат мадҳиясига айланиб кетди.

Б. ҲАМЗАЕВ.

Саноат қурилиш объектларида

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛСИН ДЕСАНГИЗ...



Экскаватор заводининг азамат машинасозлари ленинча юбилей меҳнат вахтасида туриб баракали меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: бош, йиғув цехида тайёрланаётган янги Э-304В маркали экскаваторлар.

«Ташсельмаш» заводининг коллективи бу йил 10600 та [икки қаторлаб ҳисобланганда], жумладан планга қўшимча 600 та пахта териш машинаси ишлаб чиқариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган. Бунинг учун шу йил қўшимча ишлаб чиқариш корпуслари қурилиб, ишга туширилиши керак.

Бу йил қурилиб фойдаланишга топширилиши лозим бўлган ўқув ишлаб чиқариш корпуси, қолиплаш материаллари сақланадиган омбор ва Салордаги насос станцияси завод ишлаб чиқариш қувватини оширириш керак.

Бу объектларни қуришни ўз зиммасига олган «Главташкентстрой» 9-қурилиш трестининг 52-қурилиш бошқармаси график бўйича йилнинг биринчи ярмида, барча ишларни эса 1 октябрда тамомлаши керак эди. Лекин, бу объектлар ўз муддатида битмади ва фойдаланишга топширилмай қолди.

«Главташкентстрой» 9-қурилиш трестининг 52-қурилиш бошқармаси — бош пудратчи ташкилот бу объектларга қурувчиларни, шунингдек бетон, арматура, ёғоч-тахта каби қурилиш материалларини вақтида етказиб бермади. Натижада, шу йил июнда тамомланиши лозим бўлган ўқув-ишлаб чиқариш корпуси қурилишида пардозлаш ишлари тугалланмай қолди.

Насос станциясида моторлар ўрнини алмаштириб қўйиш ишлари бажарилмади. Бу энди қурувчиларнинг эмас, балки завод раҳбарларининг айбидир. Чунки, насос станциясида пардозлаш ишларигача тугалланган.

Қолипга қуйиладиган материаллар сақланадиган омбор қурилишида ҳам бир қанча ишлар чала қолди.

9-трестнинг 52-қурилиш бошқармаси завод ишларини бу йил фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектларда ишчи кучини, материалларни тўғри тақсимламаган. Иш вақтининг бекорга кетиш ҳолларни ҳам бўлиб турибди.

Завод капитал қурилиш бўлими [бошлиғи ўртоқ Хан] фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектлар қурилиши устидан лозим даражада ўз вақтида контроллик олиб бормади.

Ҳозирги вазият қурилишлардаги қолоқликни тезда бартараф этиш кераклигини тақозо этмоқда. Мавжуд электр ускуналар ва материаллар билан электр ўтказиш ишларини бемалол тамомлаб, ўқув-ишлаб чиқариш корпусини пардозлашга ва ускуналарни ўрнатишга киришиш мумкин.

Октябрь ойи қурувчилар учун комплекс объектларни фойдаланишга топшириш ва завод коллективининг 1969 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятини бажаришни ҳал этувчи ойдир.

Шунинг учун 9-трестнинг 52-қурилиш бошқармаси ва завод капитал қурилиш бўлимининг раҳбарлари бу муҳим қурилиш комплексининг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши устида қайғуришлари керак.

Я. ТОЛСТОНОГ,
инженер-экономист.

● *Геологлар — доҳий юбилейига*

ЕР БОЙЛИГИ—ЭЛ БОЙЛИГИ

Тарихий сана — дунёда биринчи социалистик давлатнинг ташкилотчиси, бутун дунё пролетариатининг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги яқинлашиб келмоқда.

Бу муҳим санани муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг олимлари ва илмий ходимлари зиммаларидаги вазифаларни бажариш учун бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар.

Институтимиз томонидан олиб борилаётган илмий ишлар КПСС XXIII съезди Директиваларида кўрсатилган ва совет олимлари олдига қўйилган асосий вазифани, ҳал қилишдан яъни ер қобиғининг составини ва тузилишини ўрганиш, шу асосда фойдали қазилма конларининг ер бағрида тарқалиш қонуниятларини ёритиб беришдан иборатдир. Ҳозирги кунда институтимиз олиб бораётган илмий-текшириш ишларидаги асосий проблемалардан бири— Ўзбекистон территориясида ер қобиғининг юқори мантия қатламларининг комплекс геология-геофизика ва геохимия методлари асосида ўрганишга қаратилган. Институт бу проблемани фақатгина бажарувчи бўлибгина қолмай, балки бу масала устида ишлаётган бутун Урта Осиё республикалари территориясида жойлашган барча геологик ва геофизик ташкилотларнинг ишларига раҳбарлик қилади.

Утган 1968 йилда шу проблема асосида Тюбегатан конидаги (Жанубий Ўзбекистон) тузли чўкинди тоғ жинслари орасидаги ангидрит қатламларининг металлогения элементга бойлиги аниқланди. Лялмикон конидаги тузга бой бўлган тоғ жинсларини ўрганиш ишлари ҳам тугалланди.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги палеозой даври ётқизиқлари асосининг юқори қатламларининг тузилиши ва характери ўрганилди. Шу жумладан, Жанубий Ўзбекистон территориясида Мохоровичич (ер қобиғининг энг пастки қисми) ва гранит қатламларининг чегараси аниқланди. Бу ишлар, бундан кейин олиб бориладиган геологик из металлогик текширувларга асос ва йўлланма бўла олади. Мазкур ишларнинг айрим натижалари ўтган йили Прагада бўлиб ўтган Халқаро геологик конгрессда доклад қилинган.

Республикамизда ер ишлаб чиқариш ва бошқа илмий-текшириш ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг мисга нисбатан металлогик ва прогноз харитаси шунга ўхшаш бошқа металлар учун ҳам металлогик харталар тузилди. Булар Чотқол тизма тоғларининг жануби-ғарбий қисмида, Хисор тоғларида ва Султон-Уиз-Дагнинг ғарбий қисмида қидирув-разведка ишларини олиб бориш учун илмий асос бўла олади.

Институтимиз эришган ва эришаётган ютуқлар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси И. Ҳ. Ҳамробоев раҳбарлик қилаётган магматик формация ва ернинг абсолют ёшини ўрганиш лабораториясининг ходими А. Қаюмовнинг (Ғарбий Ўзбекистон районида) олиб борган кўп йиллик самарали ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. А. Қаюмов томонидан Ўзбекистон территориясида биринчи марта «Нефелинли сиенитлар» деб аталувчи ишқорий тоғ жинслари топилди ва пухта ўрганилди. Буни яна бир аҳамияти шундаки, бундай тоғ жинслари билан одатда саноатимиз учун ниҳоят даражада зарур бўлган апатит ва нодир металл конлари боғланган бўлади.

Ундан ташқари, ишқорли тоғ жинсларининг ўзи эса техника ва халқ хўжалиги учун ниҳоят даражада зарур бўлган алюминий металли учун руда бўлиб ҳисобланади.

Яқинда А. Қаюмов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биология фанлари бўйича катта илмий советида шу тема устида кандидатлик диссертациясини ёқлади ва унинг илмий иши мамлакатимизда бу соҳада иш олиб бораётган йирик олимлар томонидан юксак баҳоланди.

Йилдан йилга институтимизнинг бошқа мамлакат олимлари билан алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда институт ходимлари Ҳиндистон, Эрон ва Норвегия геологик комитетлари билан, Янги Зеландиядаги Кентерберн университетининг физика бўлими ва бошқа кўпгина мамлакат олимлари билан алоқа қилиб турадн.

Институтимизда 1970 йил 11 апрель куни ўтказиладиган Бутуниттифоқ шанбалигига ҳам қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу йил апрель ойида ўтказилган Коммунистик шанбаликни институтимиз ходимлари юқори кўтаринкилик билан ўтказган эдилар. Шу кунлари институт ходимлари ҳовлиси, бино ичкарилари ва Келес массивида жойлашган экспериментал база биноларн тозаланиб, тартибга келтирилди, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиб, 1969 йилги дала ишларини муддатидан аввал тугатиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, институтнинг аниқлаш лабораторияларида юзлаб турли кимёвий анализлар бажарилди. Тоғ жинсларида кўрғошин, рух, мис ва кадмий элементларининг миқдорини аниқловчи янги полерограф ўрнатилди.

Навбатда ўтказиладиган шанбаликка институт директори И. Ҳ. Ҳамробоев бошчилик қилади. Бунда 350 дан ортиқ киши иштирок этади.

Шубҳа йўққи, келажакда институт геология фанининг янада ривожланишида, республикамиз территориясида янги фойдали қазилма конларини қидириб топиш ва уларнинг қайси районларда жойлашганликларини илмий жиҳатдан асослаб бериш ишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Э. АЛИЕВ,
Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг олим-секретари,
геология-минералогия фанлари кандидати.

Ҳар бир хонадонга газета ва журналлар

ЗЎР УЮШҚОҚЛИК

Тупроқшунослик илмий-текшириш институти ходимлари ўртасида газета ва журналларга обуна бўлиш уюшқоқлик билан давом этмоқда. Институт илмий ходимларини газета ва журналларга обуна қилишда актив жамоатчи Ж. Яйловов жонбозлик кўрсатяпти. Унинг ташаббуси билан ҳозирнинг ўзидаёқ минг сўмдан ортиқ обуна тўпланди.

Е. КАРИМБОЕВ.

НАМУНА БЎЛМОҚДАЛАР

Шаҳар тез медицина ёрдами станциясига қарашли 9-подстанциясининг шифокорлари маҳаллий ва марказий газета-журналларга актив ёзишлик билан обуна бўлишмоқда. Врачлардан, Д. Зильберман, Р. Курмеева, фельдшерлардан Н. Горина, М. Ниёзовлар «Известия», «Медицинская газета», «Правда Востока», «Вечерний Ташкент» «Тошкент оқшоми», «Совет Узбекистони», «Ленин туғи» каби газеталар ва «Партийная жизнь», «Партия турмуши», «Саодат» «Медицинский журнал Узбекистана», «Наука и жизнь», «Фан ва турмуш» журналларига ёзилдилар. Уларнинг ҳар бири 17—20 сўмлик дан обуна бўлишиб, бошқа шифокорларга ўрнак бўлишди. Ҳозиргача 450 сўмдан ортиқ обуна тўпланди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
фельдшер.

МАҲАЛЛАДА ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Октябрь районидаги «Янги ҳаёт» маҳалла аҳолиси ўтган йилдаги қишнинг серёғин ва қаттиқ келганини ҳисобга олиб, бу йилги қишга намунали тайёргарлик кўраётир.

Ариқлар чуқур қилиб қазилиб, яхшилаб тозаланди, йўллар, йўлкалар тартибга келтирилмоқда. Бу ишда, айниқса, Уста Олим ва Караганда кўчаларида яшовчи аҳоли барчага намуна бўлди. Қишга тайёргарликни текшириб, керакли маслаҳат ва ёрдам бериш мақсадида маҳалла комитетининг муовини Абдували Абдуқаюмов бошлиқ актив бригадаси тузилди.

Бригада аъзолари маҳалла территориясини қайта кўздан кечириб, тегишли тадбирлар белгиламоқдалар.

И. УСМОНОВ.



«Қизил тонг» тикувчилик фирмасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан бир неча йил илгари адо этиб, бўлғуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қила бошлаган чевар ишчилар сонн кун сайин ортиб бормоқда.

СУРАТДА: ҳозир 1971 йил ҳисобига меҳнат қилаётган илғор тикувчи Нина Солиҳова.

● *Шаҳар — қишлоққа*


ТЕХНИКА ЁРДАМИ

Киров райони меҳнаткашлари Сирдарё областидаги Гулистон районининг пахтакорларига оталиқ ёрдами кўрсатишмоқда.

Райондаги саноат корхоналари пойтахт область пахтакорларига ҳам ўз ёрдамларини беришмоқда. Яқинда район партия комитети биноси ёнидан Бўка районига олтита автомашина жўнаб кетди. Бу автомашиналар пахтакорларга зарур ускуналар, асбоблар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар олиб борди.

«Компрессор», экскаватор ремонти, «Узбексельмаш» заводи, Давлат махсус конструкторлик бюроси, «Хлопкоприбор», машинасозлик бўйича Давлат лойиҳалаш конструкторлик технология бюроси, асбобсозлик заводи тайёрлаган бу автомашиналар пахтакорларга хизмат кўрсатади.

Заводлар ва конструкторлик бюроларининг малакали ишчилари пахта йиғим-терими мавсумида пахтакорларга қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаларини ремонт қилишда ёрдам берадилар.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Чилонзордаги Ғафур Ғулом кўчасида қардош украналик бунёдкорлар қурган муҳташам бинолар.

Истиқболи порлоқ фан

Биохимия ёки биологик химия эволюцион босқичнинг турли погоналаридаги энг содда тузилмалар — фируслар ва бир ҳужайрали организмлардан бошлаб, уларнинг энг мураккаб бўлган барча тирик организмларнинг химиявий таркибини ва уларда тўхтовсиз кечиб турадиган химиявий жараёнларни ўрганадиган фандир.

Бундан тахминан юз йилча муқаддам мустақил фанга айланган биохимия, эндиликда биологиянинг асосий негизи бўлиб қолди. Биохимия тирик организмларнинг ўсиши, ҳаракати, кўпайиши, ирсияти, ташқи муҳит таъсирига мослашуви, иммунитет, асаб фаолияти, ирсий касалликлар каби энг муҳим хусусиятларини химиявий жараёнлар, яъни ҳужайра таркибидаги молекулаларнинг ўзаро муносабати тарзида тасвир қилиб беради. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши инсон онги олдига табиатнинг сирларини билиш ва тирик ҳаётни идора қилиш даври яқинлашганидан, яъни инсон энди ўз талаби ва эҳтиёжига жавоб берадиган организмларни яратиши, табиатда мавжуд бўлган биологик механизмлардан техника мақсадлари учун фойдаланиш арафасида турганлигидан дарак беради.

Бу масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида биохимиянинг усул ва ғоялари ривожланиб, кенгайиб кетдики, эндиликда бу вазифалар кейинги йигирма йил ичида биохимия асосида пайдо бўлган ёш фан — молекуляр биология томонидан биринчи навбатда биохимиянинг усул ва ғоялари табиатшунослик-нинг бошқа соҳалари билан узвий боғланганлиги туфайли ва шунинг самараси ўлароқ қўлга киритилди. Ҳақиқатдан ҳам фаннинг айрим тармоқларида пайдо бўлган улуғ ғоялар бошқа соҳаларга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда биохимия фани истиқболли йўналишга кириб олди. Фанлар академияси составида биохимия институти барпо этилди. Унга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Е. Тўрақулов раҳбарлик қиляпти. Тошкент олимлари қалқонсимон безда гармонларнинг биохимияси соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб боришяпти. Айниқса, қалқонсимон безда йиодли бирикмалар ҳосил бўлиш механизмини, одам ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган бу орган касалланганида оқсил ва нуклеин кислоталарининг ўзгаришларини ўрганиш соҳасида ажойиб ютуқларга эришилди. Шаҳримизда бўлиб ўтган улкан анжуман ҳам ана шу тадқиқотларга юксак баҳо бермоқда.



СУРАТДА: [чапдан ўнгга] Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик С. Р. Мардашев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик А. Л. Курсанов ва Ленин мукофоти лауреати Е. Тўрақулов. А. Тўраев фотоси.

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР

Бизнинг интервью



БИОХИМИЯ ВА МЕДИЦИНА

С. Р. МАРДАШЕВ,
СССР Медицина Фанлари академиясининг вице-президенти, академик.

Съездга жуда кўп делегатлар ва меҳмонлар келишганлигидан хурсандман. Илмий анжуманнинг кенг кўламда ташкил қилиниши химия биологияси ва молекуляр биология катта аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда бу фанлар биология фанлари орасида етакчи бўлиб қоляпти.

Съезднинг «Оқсилларнинг тузилиши ва функцияси» деб аталган симпозиуми йиғилишларида фикр алмашув жуда қизғин давом этди.

Конгресс совет биохимикларининг катта ютуқларини қўлга киритганликларини кўрсатди. Биохимиянинг медицина фани билан ниҳоятда узвий алоқада эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Н. И. ЗАХАРЕВ,
Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Аҳолига чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш ҳаётий масалалардан бири. Бунинг учун чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш билан бирга уларнинг сифатини ҳам ошириш керак.

Ана шу масалани ҳал қилиш учун биринчи навбатда озуқабоп ўсимликларни ўрганиш лозим. Совет Иттифоқининг бир қатор институтларида олимлар ана шу соҳа устида тинмай илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Съездда шу масалага бағишлаб махсус секция ажратилганлиги ҳам бежиз эмас. Мен бир неча йилларидан бери озуқабоп ўсимликларда каротиннинг ўзгариш динамикаси билан шуғулланаман. Тажрибалар лабораторияда, далада олиб борилмоқда. Ҳозирги натижалар чакки эмас. Биз биохимиклар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам чорвачилик маҳсулдорлигини оширишдир.

Биохимикларнинг бу съездида Қирғизистондан катта бир группа олимлар қатнашди. Улар ўзларининг докладлари, тезислари билан съезднинг юксак даражада ўтишига ҳисса қўшдилар.

●Чет эллик олимлар сўзидан

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Гофман ЭБЕРХАД,
ГДР биохимия жамиятининг президенти, профессор.

Совет биохимикларининг конгрессида қатнашаётганлигим билан ғоятда хурсандман. Съезддаги докладлар, ахборотлар ҳозирги давр биохимия фани тараққиётининг барча проблемаларини ўз қучига олган дейиш мумкин. Съездда ёш олимлар докладларни кўпроқ кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бирида биохимия ва молекуляр биохимия соҳасида, билимдон эканликларини сезиш мумкин.

Совет Иттифоқида ёш олимларга яхши эътибор берилар экан. Бу жуда катта ғамхўрликдир. Биз венгер олимлари Москва, Ереван, Киев, Боку каби шаҳарлардаги ҳамкасбларимиз билан илмий алоқаларни яхши ўрнатганмиз. Навбатда ўзбек биохимиклари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатсак жуда фойдали бўлур эди. Чунки бу ерда диққатга сазовор илмий ишлар олиб борилаётган экан.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

И. С. ГЕЛЛЕР,
Польша биохимия ва биофизика институтининг профессори.

Биохимикларнинг бу улкан анжуманидан таассуротларим бир талай. Анча докладларни берилиб тингладим. Айниқса, машҳур совет олими, академик Опариннинг ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига бағишланган илмий докладида қимматли фикрлар айтилди. Мен бу олимнинг биохимикларнинг Ленинградда бўлган I съездида ҳам докладини тинглаган эдим. Ўшанда ҳам биохимия фанини жуда юксалаётганининг гувоҳи бўлгандим.

Серқуёш Ўзбекистон республикасида ҳам бу фан халқ хўжалиги учун хизмат қилаётганидан қувондим. Ўзбек биохимик олимлари фаолиятида доимо омад тилайман.

ФОЙДАЛИ БЎЛАР ЭДИ

Пал ЭЛОДИ,
Биология фанлари доктори, Венгрия Халқ Республикаси.

Олимларнинг, айниқса, биохимик олимларнинг иши кўп машаққат ва изланишларни талаб қилади. Олиб борилаётган назарий иш қанча пухта бўлса, у амалда ўзини унумлироқ кўрсатади. Ҳамма гап ана шундаки, биз аввало проблемаларни назарий жиҳатдан тўла-тўкис ҳал қилишимиз керак экан.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

⊙ Бутуниттифоқ биохимикларнинг I съезди 1957 йили Ленинградда бўлиб ўтди.

⊙ Ўзбекистонда биохимия фани асосан, 1958 йилдан ривожлана бошлади.

⊙ Бутуниттифоқ биохимия жамияти аъзолари сафи йил сайин кўпайиб боряпти. Ҳозир унинг 6 мингдан ортиқ аъзоси бор.

⊙ Бутуниттифоқ биохимикларининг II съездида 3500 дан ортиқ олим ва илмий ходимлар қатнашмоқда. Бундан ташқари 4 мингдан ортиқ тезис олинган.

⊙ Съезд ишида ГДР, Руминия, Югославия, Польша, Болгария, Венгрия каби мамлакатлардан 50 дан ортиқ йирик олим қатнашмоқда.

⊙ Улкан анжуманнинг симпозиумлари, секциялари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Тошкент Давлат медицина институти ва Студентлар шаҳарчасидаги 30 та залда ўтди.

⊙ Бутуниттифоқ биохимия жамиятининг 300 та яқин аъзоси Ўзбекистоннинг турли илмий тадқиқот институтларида ишлайди.

⊙ Кўпгина ўзбек биохимиклари Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Новосибирск каби шаҳарларнинг биохимия институтларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

⊙ Ўзбек олимларидан Е. Х. Тўрақулов ва Р. Қ. Исломбеков «Қалқонсимон без гармонларининг биохимияси» деган йирик илмий тадқиқоти учун Ленин мукофоти лауреати бўлишган.

⊙ 1967 йилда Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Биохимия институти ташкил қилинди.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЧИХОНАДА ВИСТАВКА

ЯУНДЕ. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб очилган виставка Экваториал Гвинея пойтахти — Санта-Исабель шаҳри аҳолисини жуда қизиқтирди. Виставкани мустақил Экваториал Гвинея эълон қилинган кунининг бир йиллигига аталиб ўтказилган байрамлар вақтида СССР элчихонаси уюштирди.

(ТАСС).

ЖАВОБ ЎТИ


ҚОҲИРА, (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари вакилининг МЕН агентлиги эълон қилган баёнотида айтилишича, Миср қўшинлари 25 октябрь кечқурун Суэайш каналининг жанубий секторида Исроил қўшинлари позициясини қаттиқ тўпга тутишди. Синай ярим оролининг ичкарисидаги оккупацячилар позицияси ҳам тўпга тутилди.

АВСТРИЯДА СОВЕТ КИНОСИ ҲАФТАСИ

ВЕНА. (ТАСС). Австрия пойтахтининг марказий кино-театрларидан бири бўлган «Табор-кино» залида совет киноси ҳафтаси очилишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Шу ҳафталик ичида «Мосфильм» веналик кинотамошабинларга «Ака-ука Карамазовлар», «Сенинг замондошинг» ва «Султонпошо ҳақида эртак» кинофильмларини кўрсатади. Болалар ва ёшларга кино ишлаб чиқарувчи М. Горький номидаги марказий киностудия «Душанбагача бир гап бўлар» фильмини, «Қирғизфильм» «Биринчи муаллим» фильмини ва «Ўзбекфильм» «Нафосат» фильмини кўрсатади.

Совет фильмлари ҳафтасини ташкил этган Австриядаги «Акцион дер гуте фильм» жамиятининг раҳбарларидан бири профессор Фердинанд Кастнер ТАСС мухбирларига бундай деди: «Биз фильмларни танлаб олишда австриялик томошабинларни кейинги йилларда СССР да яратилган хилма-хил фильмлар билан таништиришни ўзимизга вазифа қилиб олдик».



ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Пльзендаги Ленин номли оғир машинасозлик комбинати республикада машиналар тайёрлашда салмоқли ўринни эгаллайди. Комбинатда тайёрланаётган иссиқлик марказлари ва гидростанциялар, прокат станлари учун турбиналар, оғир энергетика машинасозлиги учун ускуналар, электровозлар мамлакатнинг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, чет элларга ҳам экспорт қилинади.

СУРАТДА: Пльзендаги Ленин номли оғир машинасозлик комбинатида қуввати 200 юз минг киловатт бўлган турбиналарни йиғиш пайти.

ЧТК—АПН фотоси.

БМТ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН У. ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни нишонланаётир. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари У Тан қуйидагиларни айтди.

— Уюшган халқаро ҳамжамият,— деди У Тан,—кейинги салкам 25 йил ичида кўп натижаларга эришди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ялпи тинчликка, равнақка ва социал адолатга — ҳар бир кишининг муносиб умр кечиришига эришамиз деб бундан 24 йил аввал тантанали равишда эълон қилинган мақсадларга ҳали муваффақ бўлолганимиз йўқ.

«Уруш сингари офатдан ҳануз қутилганимиз йўқ,— деди сўнгра У Тан,— қуролланиш пойгаси ақл бовар қилмайдиган даражадаги суръатлар билан давом этмоқда. Африканинг жанубий қисмида ва жаҳоннинг бошқа кўпгина районларида инсон ҳуқуқларига бениҳоя бузилмоқда. Жаҳонда ҳануз тўйиб овқат еяолмайдиган одамлар кўп. Камбағаллик давом этмоқда, буни камайтирса бўлур эди. Касалликлар давом этмоқда, буларнинг олдини олиш мумкин эди. Нодонлик давом этмоқда, буни тугатса бўлур эди».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган мақсадларга эришмоқ учун халқаро миқёсда келишиб ҳаракат қилишга даъват этди.



Берлиндаги Гумболд номли университет.

СУРАТДА: университет лабораторияларидан бирида тадқиқот ишлари олиб бориш пайти.

ИТАЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ ИШ ТАШЛАДИЛАР

РИМ, 23 октябрь. (ТАСС). Италияда янги оммавий иш ташлашлар тўлқини бошланди. Бугун битта ҳам газета чиққани йўқ. Босмахоналарнинг ходимлари ўзларининг иқтисодий талабларини ўртага қўйиб, 24 соатлик умуммиллий забастовка ўтказмоқдалар.

Бугун Италия ишчилари синфининг энг жанговар отрядларидан бири — бинокорлик саноати меҳнаткашларининг 900 минг кишилик армияси ҳам кураш бошлади. Бинокорлар иш ҳақининг оширилишини, иш ҳафтасининг қисқартирилишини, хавфсизлик техникасининг яхшиланишини ва корхоналарда касаба союз ташкилотларининг ҳуқуқлари эътироф қилинишини талаб этмоқдалар. Ёндош касб меҳнаткашлари — ғишт заводларининг 40 минг ишчиси, 20 минг цементчи бугун бинокорлар билан бирга курашга киришдилар.

Мамлакатдаги почта бўлимлари, телеграф ва телефон станциялари уч кундан бери ишламаётир. Маъмурият алоқа ходимларининг иқтисодий талабларини ва касаба союз ҳуқуқлари тан олиниши тўғрисидаги талабларини қондиришдан бош тортганидан кейин алоқачилар иш ташлашга мажбур бўлдилар.

Италия давлат темир йўллари ходимларининг бугунга белгиланган 24 соатлик умуммиллий забастовкаси бекор қилинди. Транспорт министрлиги иш ҳақининг оширилишини, ишга ёллаш системасининг тартибга солинишини, транспортчилар касаба союз ташкилотларининг ҳуқуқлари эътироф қилинишини кўзда тутувчи янги меҳнат шартномасини имзолашга тайёр эканлигини билдирди.

СОМАЛИДАГИ АҲВОЛ

НАЙРОБИ, ТАСС МУХБИРИ С. КУЛИК ХАБАР БЕРАДИ:

«Сомали халқи овози» радиостанцияси Сомали республикасининг номини ўзгартириб уни Сомали Демократик Республикаси деб аташ тўғрисида олий революцион кенгаш қарор чиқарганлигини хабар қилди. Кенгаш эълон қилган баёнотда: мамлакат «социалистик ривожланиш йўлидан боради», дейиладн.

Могадишо радиоси эшиттирган хабарга кўра, революцион кенгаш мамлакатдаги ҳамма сиёсий партияларнинг фаолиятини дарҳол тақиқлашга, олий судни тарқатиб юборишга қарор қилган. Кенгаш «Тегишли вақтда мамлакатга янги конституция тақдим этилади ва холис сайлов ўтказилади», деб эълон қилган.

Сомалида ҳар ҳафтада бир марта чиқариладиган учта асосий газета ёпилиши ҳам эълон қилинди. Уларнинг ўрнига бирдан-бир «Октобер стар» газетаси чиқарила бошлади. Хусусий газеталар нашр этиш тақиқланади.

Революцион кенгаш мамлакатни тағин ҳам жадал иқтисодий ривожлантиришга киришиш, саводсизликка ,ва қабилалар ўртасидаги адоватга қарши кураш ишларини кучайтириш айтди. Радио янги маъмурларнинг савдогарларга мурожаат қилиб уларни магазинларни очишга ва нормал ишлашга қилган даъватини ҳам эшиттирди.

Могадишодан Найробига келган кишиларнинг гапига қараганда Сомали пойтахтида осойишталик ҳукм сурмоқда. 21 октябрь эрта Сапарда шаҳарга киритилган танклар ҳозир унинг чеккаларига чиқариб қўйилди. Армия аҳволни батамом назорат қилиб турибди.

ЧИЛИДА ҚАМАЛ ҲОЛАТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

САНТЬЯГО. Реакцион тўнтариш қилишга уриниш муносабати билан Чилида кескинлашган аҳвол секин-аста нормаллашиб бормоқда. Халқ демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда конституция тузумини қатъий ҳимоя қилиб чиқиб, реакция чиларнинг ниятларини барбод этди. Ҳозир пойтахт Сантьягода тўла осойишталик ҳукм сурмоқда. Транспорт, магазинлар, кафелар, муассасалар ва корхоналар нормал ишлаб турибди. Банклар ва мактаблар очилди. Газеталар одатдагидек чиқиб турибди, радиостанциялар ва телевидение ишламоқда.

Мамлакатда қамал ҳолатини ҳамда матбуот цензурасини бекор қилиш тўғрисида президент имзолаган декрет кучга киради.

ЯНГИ СИЁСАТ ЎТКАЗИШГА ДАЪВАТ

БОНН. «Демократик тараққиёт акцияси» партиясининг секретари Ганс Брендер бундай деди: христиан-демократик союз — христиан-социал союз вакилларининг Германия Федератив Республикаси ҳукуматидан чиққанлиги ва Германия Социал-демократик партияси билан Эркин демократлар партияси вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузилганлиги ГФР сиёсатида янги йўл ўтказиш имкониятини очиб беради. Бу имконият, деб таъкидлади у, яқинда бўлиб ўтган сайловнинг натижаси бўлди. Сайлов Германия Федератив Республикаси аҳолисининг сиёсий йўлни ўзгартиришга бўлган интилишини ифода этди.

Янги ҳукумат чинакам тинчлик ва демократик янгиланиш сиёсатини ўтказиши лозим, дейилади Г. Брендернинг баёнотида.

(ТАСС).



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Эйзенхюттен штатидаги «Ост» металлургия комбинати — ГДР даги йирик халқ /корхоналаридандир. Бу комбинат Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган.

СУРАТДА: совет ва немис мутахассислари комбинатнинг совуқ прокат цехида.

ЦТ—АПН фотоси.

АГРЕССИВ СИЁСАТНИ ОҚЛАБ КЎРСАТМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН, ТАСС мухбири Б. Ярочевский хабар қилади:

Атлантика ҳамжамияти уюшмаси» деб аталган ташкилотнинг Вашингтонда ўтказилаётган конференцияси агрессив НАТО блокини мустаҳкамлаш устида бош қотирмоқда. НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг «миллий ташкилотлари ва нуфузли хусусий шахслари»ни бирлаштирувчи уюшманинг бу галги конференцияси «Совуқ уруш» маҳсули бўлган шу ташкилотга асос солинганлигининг 20 йиллигига бағишланган.

Конференцияда сўзга чиққан АҚШнинг собиқ давлат секретари Ачесон Канаданинг собиқ бош министри Пирсон, собиқ нацист генерал, НАТОнинг марказий Европа зонасида қуруқликдаги қўшинлари қўмондони лавозимини ижро этган Ганс Шпейдель ва НАТОнинг бошқа арбоблари блокни мустаҳкамлашга даъват қилдилар.

НАТОнинг бош секретари Манлио Брозио ўз нутқида «Америка билан европалик шериклар ўртасидаги муносабатлар»ни мустаҳкамлашни зўр бериб талаб қилди. У Европа хавфсизлиги ва тинч ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилмоқ учун умумевропа кенгашини чақириш тўғрисида СССР билан бошқа социалистик мамлакатлар киритган конструктив таклифдан бош тортишдан иборат бўлган НАТОнинг позициясини тақорлади.

Шу билан бирга Брозио АҚШнинг ўзида ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам АҚШнинг ташқи сиёсати, жумладан унинг Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларидаги ташқи сиёсатини танқид қилиш тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишга мажбур бўлди.

Брозио «НАТО иттифоқчилари»ни бирдам бўлишга чақиргани ҳолда, кўп масалалар юзасидан ва жумладан НАТОни қўллаб-қувватлашда «мояиявий иштирок»ни тақсимлаш тўғрисидаги масала юзасидан НАТО мамлакатлари ўртасида ихтилофлар борлигини тан олишга мажбур бўлди.



фаридун Бадрий

Унега ўлди?

ҲИКОЯ

Ташвишланиб, юраги сиқила бошлади. Ашейхникига бориб, Ренани кўриши керак. Хаёлидан бир фикр ўтди: «Ҳеч бўлмаса бориб Ренани кўраман. Унга: «Ренажон, қўрқма, Ашейх бир нарса қилмоқчи бўлса, дод солиб қичқир, шу заҳоти етиб келаман. Биласан-ку, уйимиз сизларникидан унча узоқ эмас. Бақирсанг бизникидан эшитилади. девордан ошиб. ҳозиргидай шу заҳоти ёнингда бўламан»,— дейман.

У Ашейхникига келиб, атрофга аланглаб қаради. Ҳеч ким йўқ. Сукунат. Маҳмуд дарвозани секин итариб кўрди. У аста очилди. Маҳмуд бир сесканиб, орқага тисланди. Аммо шу заҳоти Ренани кўриш иштиёқи билан тўлиб-тошаётганини сезди. Қўлидан биров етаклагандай у итоаткорона секин дарвозани катта роқ очди. Йўлак қоронғу, ҳовлига ой нури хира ёғду сочиб турарди. Маҳмуд бироз юриб, ўнг томондаги кичик уйга кўзи тушди. Бу уйнинг остонаси ердан бир гишт баланд эди. Юраги каттиқ ура бошлади.

Маҳмудга тушиб турган ой нури ҳозир унинг назарида жуда оғир ва ўлим кўланкасидай совуқ туюлиб кетди. Авайлаб одимлаб, уй эшигига яқинлашди, дераза олдида туриб қолди. Маҳмуднинг назарида уйда кимдир қимирлаб, оғир нафас олаётгандай бўлди. У нафасини ичига ютиб, секин дераза дан мўралади. Уй қоп-қоронғи, бинобарин у ҳеч нимани кўролмади. Маҳмуд қулоқ сола бошлади. Уйда кимдир қимирлаяпти. Бир хилда олаётган нафас овози борган сари тезлаша бошлади. У яна бир бор деразадан мўралади. Кўзи қоронғуга ўрганиб, уйнинг ўртасида оқ кийимда бир киши ётганини кўрди. Ҳалиги одам ҳансираётган эди Маҳмуд ўзича ўйлади: Рена уйқусизликдан қийналиб, йиғлаётганга ўхшайди. У Ренани энди чақиркоқчи бўлиб турганида, кимнингдир дард билан инграганини эшитиб, тўхтаб қолди. Ҳансираган овоз тинди. Юракни сиққудай сукунат бошланди...

Маҳмуд ҳозиргача ерда ётган оқ кийимли киши ўрнидан туриб, ўтирганини, у қўлини ниманингдир устига қўйганини, Маҳмуд бунинг нималигини қоронғуда ажратолмади, шундан сўнг эгилиб, қулоғини олиб борганини кўрди. Оқ кийимли киши туриб, секин деразага яқинлашди. Маҳмуд ўтириб олиб, нафас олмай девор орқасига яшириниб олди.

Қоронғуда ялт этиб гугурт чақилди-ю, шу заҳоти ўчди. Деразадаги кичкина керосин лампа ёнди. Маҳмуд қўрққанидан пешонасига совуқ тер чиқиб кетди. Лампани кимдир деразадан олиб, уйнинг тўрига олиб борди. Зум ўтмай жимликда аллақим дағал овозда бировни чақира бошлади:

— Рена! Рена! Рена!

Маҳмуд бу овозни қаердадир эшитган эди. Бу Ашейхнинг овози эди. У шу заҳоти Ренанинг сўзларини эслади: «Ашейхдан қўрқаман. У мени бир нима қилмоқчи». Юзига биров шапалоқ тортгандай, руҳсорлари қизарди. Бутун вужуди ўт ичида ёнаётгандай эди. У қаддини кўтариб, ҳеч қандай эҳтиётсизликни ҳам ўйламай, уйга қаради. Уйнинг ўртасида тўшак ёнида қип-яланғоч қиз ҳушсиз ётарди. Унинг олдида Ашейх Фазлуллоҳ чўққайиб ўтирибди. У тинмай қизни туртиб, чақирар эди:

— Рена! Рена!

Қиз мурдадай қимир этмай ётарди. Ашейх қўрққанидан даҳшонланаётган эди. Липиллаб ёниб турган чироқ уйни ёритаётган эди. Маҳмуд ҳамма нарсани кўзи билан аниқ кўрди.

Маҳмуд Ренани таниди. Нигоҳи қизнинг яланғоч бадани, ундан оёғи, қорни ва тўшакдаги тоза қонга тушди. Хаёлида яна Ренанинг сўзлари жонланди: «Ашейхдан қўрқаман. У мени бир нима қилмоқчи». Бу сўзлар унинг миясига урди. Нигит каловланиб, бадани қалтираб кетди. кўзларига қон тўлди. Бир зумгина унинг назарида ҳамма нарса қизил, гуноҳсиз Ренанинг қизил қонидан қизаргандай туюлди. Тўхтовсиз қон оқими унинг кўзига ураётгандай, қон дарёсидаги тўлқинлар ичида Ренанинг яланғоч жасади оқаётгандай эди. Гоҳ жимиб, гоҳ тўлқинлардай кучайиб, тинмай Ренанинг ўша сўзлари янграрди: «Ашейхдан қўрқаман, у мени бир нима қилмоқчи...»

Маҳмуд бир сакраб, уйга кириб олди. Бу ишларнинг ҳаммаси шу қадар тез бўлдики. Ашейх ўзига келиб орқа-ўнгини ололмай, унинг бўйини Маҳмуднинг темирдай панжалари орасида сиқила бошлади. Ашейх унинг қўлидан қутулиш учун қўлларини силкар, оёқларини типирчилатар эди. Сўнгра унинг кўзлари Маҳмуднинг косасидан чиқаёзган кўзаларига тушиб, қутурганидан қалтираб, ялинган қиёфада боқиб, хириллаган овозда ўтинди: «Раҳм қил!»

Бу сўзлар Маҳмуд учун калака қилиб юзига тарсаки қўйгандай бўлди. Маҳмуд Ашейхнинг устига ётиб олиб, шердай, қонга ташна шердай унинг рухсорини тишлаб олди. Бир парча гўштини унинг юзидан узиб олиб, қичқирди:

— Сен раҳм қилдингми, аблаҳ?

Ашейхнинг гавдаси қимир этмай уй ўртасида ётарди. Юзидан оққан қон бутун юзига ёйилди. Маҳмуднинг пешонасида йирик тер томчилари ялтирар эди. Ҳаяжон ичида унинг юзи ловуллаб ёнар, лаблари қонга бўялган эди.

Ашейхнинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, Маҳмуд уни ўз холига ташлаб қўйди. У Ашейхнинг зилзамбил гавдасини оёғи билан туртиб, чеккага қулатди ва маълум муддат қайратдан қотиб қолди. У нима қилиб қўйганини ўйлар, аммо виждон азоби қийнамас эди. Шундан сўнг Рена томон ўгирилиб, шивирлади:

— Сен учун ўч олдим.

Рена қимир этмай, эски йиртиқ тўшак устида ҳушсиз ётар эди. Унинг кўзлари ва оғзи ярим очиқ. Лампа ёғдусида унинг юзи, келишган оппоқ бадани жуда гўзал эди. Маҳмуд қўллари билан унинг юзини силади, мармар тошдай совуқ эди.

Маҳмуд энгашиб, Ренанинг бундан бир неча дақиқа муқаддам тўзғиб елкаларига тушиб турган қуюқ сочларини силади. Шундан сўнг у кўз ёшидан намланган юзини Ренанинг рухсорига босди.

У Ренанинг ўлганига ишонмас эди. У бир неча марта Ренани чақирди. Сўнгра оналари ўлганини кўрган болалардай ўкириб йиғлаб юборди. У Ренанинг лабларидан бир неча марта бўса олди ва қимирлаб қолар деган умидда, уни секин туртиб кўрди.

Эшикни тарақлатиб кирган кучли шамол лампани ўчирди. Уйга қоронғулик чўкди. Маҳмудни қўрқув босди. У сесканиб кетди. Хаёлидан: «Ҳозир биров кириб уни кўриб қолса-я!» — деган фикр ўтди. Нигит ўрнидан сапчиб туриб, Ренанинг устига ёпиш учун нарса қидира бошлади. Бирдан унинг қўли муздай оғир нарсага тегиб кетди. Пайпаслаб кўрди — одамнинг қўли, бу Ашейхнинг қўли эди... Баданидан чумоли юргандай бўлди. Қўлини тезгина тортиб олди. Ниҳоят у бир парча мато топиб олиб, чодра бўлса керак, Ренанинг устига ташлаб, уйдан тез чиқиб кетди.

Булутлар ортидан секин чиқиб келаётган ой гирашира ёғдуси билан ҳовли юзлари ва томларни хира ёритмоқда эди. Итнинг бовиллагани эшитилди, қишлоқ хўжалик билим юртининг қуриб битказилмаган биносидан унга жўр бўлиб бойўғлининг йиғлоқи овози эшитилди, ариқчада жилдираб сув оқарди...

* * *

Маҳмуд Ашейхнинг уйидан югуриб чиқди. Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Дарвозани секин ёпиб, уйига кетди. Оғзи бемаза. У Ашейхнинг юзини тишлаб, олганини эслаб, ҳазар қилгандай, тупуриб ташлаб, оғзини енги билан артди. Уйга келганда, онаси койий бошлади. Маҳмуд ҳеч нарса демай ўрнига кирди. Бироқ онаси яна гапира бошлаган эди, Маҳмуд зарда билан унинг сўзини бўлди:

— Кеч келган бўлсам, демак иш билан банд бўлганман. Сенга нима?...

Кўп ўтмай ҳамма ухлаб қолди. Фақат Маҳмуд уйғоқ эди. Унинг хаёли ҳамон бўлиб ўтган воқеалар билан банд эди. Унинг чақчайган кўзлари очиқ эшикдан юлдуз тўла кўкка қадалган эди. Юлдузлардан бири кўкда узун из қолдириб, уфқ ортига тушиб, ғойиб бўлди. Маҳмуд кўзини юмиб, ўйлай бошлади: «Бу юлдуз, учиб кетган юлдуз Ашейх хаётининг юлдузи бўлса керак. Ху ана унисичи, осмон гумбазидан пастга қулаб тушгани Рена ҳаётининг юлдузидир».

У яна ва яна Рена ҳақида ўйлай бошлади. Яна Ренанинг юзи, келишган оппоқ баданлари кўз олдида намоён бўлди. Рена унинг назарида ҳар қачонгидан ҳам чиройлироқ эди.

(Давоми бор)

М. МАВЛОНОВА.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

В. В. БАРТОЛЬД ҲАҚИДА КИТОБ

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти йирик шарқшунос олим Василий Владимирович Бартольд ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган китобчани босмадан чиқарди.

Сиз китобчани олиб ўқисангиз В. В. Бартольд ким? У қандай асарлари билан машҳур бўлган? — деган саволларга жавоб топасиз.

Китобчани О. Шомансурова ёзган бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг шарқшунос олимлари ҳақида ҳам қизиқарли ва бой маълумотлар келтирилган.

Китоб шарқшунослик соҳасига қизиқувчилар учунгина, эмас, балки барча китобхонларга мўлжалланган дир.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ УЧУН

Ҳар икки йилда республикамиз район ва шаҳар халқ судларига маслаҳатчилар сайлови ўтказилади. Шу муносабат билан юридик фанлари кандидати Ғ. Абдумажидовнинг социалистик одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчиларининг тутган ўрни, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида савол-жавоб тарзида ёзган «Халқ маслаҳатчиси — тенг ҳуқуқли судья» китобчаси кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Китобчани «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган.

М. МАВЛОНОВА.

Спорт

БИР ЗАВОД СПОРТЧИЛАРИ

Тракторсозлик заводи ишчи-хизматчиларининг кўпчилиги спортни севувчи ёшлардир. Улар турли спорт секцияларида фаол иштирок этадилар. Ҳозир завод спорт базасида бешта секция ишлаб турибди. Келгусида спортнинг энг оммавий турларини ҳам янада ривожлантириш назарда тутилянти.

Ишчилар самарали меҳнат вахтасидан кейин турли мусобақалар уюштириб туришади. Яқинда дастлаб цехлараро биринчилик учун қизғин курашлар бўлиб ўтди. Сўнгра шаҳар биринчилигида, область, республика ва Ўрта Осиё зоналарида қатнашиб, завод спорт шарафини ҳимоя қилдилар. Улар шу йил IX шаҳар спартакиадасида волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси ва бошқа турлар бўйича куч синашдилар ва умумий ҳисоб бўйича 3 ўринни эгаладилар. Шахмат ва шашкачилар эса бу спартакиадада биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Завод енгил атлетикачилари 8000 метрлик масофага югуришда қатнашиб яхши натижага эришдилар. Енгил атлетикачилардан Л. Сабанин, А. Шуряков, В. Тулапин каби моҳир югурувчилар маррага биринчи бўлиб етиб келишди.

Бу йил заводда спорт билан шуғулланувчилар сони 320 кишига етди. Улардан 130 киши турли спорт разрядларига эга. Яқинда Совет Армияси ёшига етган спортчилардан 154 ёш «Ватан ҳимоясига тайёр бўл» нормативини аъло даражада бажарди.

— Бу йилги бўлиб ўтган мусобақаларда заводимиз спортчилари анча яхши муваффақиятларни қўлга киритдилар,— дейди завод физкультура ташкилотининг раиси А. Кисель, Корхонамиз маъмурияти спортчиларга барча қулайликлар яратиб берди. Бунга жавобан ёшлар ўз маҳоратларини ошира бориб, ҳам меҳнатда, ҳам мусобақада катта муваффақиятни қўлга киритаверадилар.

Ш. УМАРХЎЖАЕВА.



ҲУЖУМ.

Н. Надеждин фотоси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР Т.О.

ТЕЛЕВИЗОР

28 октябрь

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** Биохимиклар симпозиуми қатнашчилари билан учрашув.

Узбек тилида: 19.35 «Сиҳат саломатлик». Илмий-оммабоп программа. **20.05** Телевизион янгиликлар. **20.20** Музикани қандай тингламоқ керак. Сюита ҳақида иккинчи эшиттириш. **21.00** Пахта терими кундалиги.

Рус тилида: 20.50 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль Ленинград телевидение студияси— меҳмонимиз.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.20 Музикали программа.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Хадҳ тасвирий санъат усталари. **21.00** «БИЗ— ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп серияли телевизион фильм иккинчи сериясининг премьераси. **22.00** Миллионлар ленинча университети. «Ҳозирги замон революцион жараёни ва назария проблемалари». Биринчи эшиттириш. **22.45** Рангли телевидение программаси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

29 октябрь

ЧОРШАНБА

БУГУН — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Узбек тилида: 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида. **19.00** «ГУЛДАСТА». Концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Ўқувчилар учун кўрсатув. **20.45** Комсомол ташкил топган кун муносабати билан. «БИЗ — ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп серияли телевизион фильмнинг 3 ва 4-серияларн премьераси. **22.30** Рангли телевидение программаси. Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Москва) — ЦСКА. Танаффус вақтларида ва охирида «Вақт» информацион программаси. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Ленин комсомоли ташкил топган кун муносабати билан. «КАТТА АКАМИЗ» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.00 Болалар учун кинофильм. **19.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли». Ленин комсомоли ташкил топган кунга бағишланган кўрсатув. **20.00** Театр янгиликлари. М. Горький номидаги рус Академия драма театридан олиб кўрсатилади.

Узбек тилида: 21.30 «Иккинчи истеъдод». Концерт. **22.10** «Қотган чақмоқлар». Бадиий фильмнинг биринчи сериясн.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Тинч Дон». Бадиий фильмнинг иккинчи сериясн. **21.50** «Таллин-67», «Рози Армен куйлайди». Фильм-концертлар. **22,25** «Халқ ёзувчиси Виллис Лацис». Телефильм.

РАДИО

28 октябрь

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Пахта терими — умумхалқ иши» (русча). **18.10** К. Жабборов асарларидан концерт. **19.20** Ўзбекистон композиторларининг романслари. **20.00** «Ёшлик» радиостанцияси. нинг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда эшиттириш (ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** Далада ишлаётганлар учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. «Нозим Ҳикмат» шеърлари (ўзбекча). **23.15** Лирика кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳ. Шарипов. «Боғ кўча болалари». Радиокомпозиция (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт. (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **21,00** З. Шошкин «Оқ бўта» қиноясн асосида инсценировка (ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

29 октябрь

ЧОРШАНБА

КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Ўзбекистон санъат усталари ижросида концерт. **9.30** Рубобчи Қ. Усмонов чалади. **9.50** «Аҳдига вафо қилиш — пахтакорнинг шарафи» деган эшиттириш (тожикча). **10.10** Енгил куйлардан концерт. **11.15** Иқтисод фанлари кандидати А. Мамедовнинг «В. И. Ленин сиёсат ва иқтисоднинг ўзаро алоқаси ҳақида» деган суҳбати (ўзбекча). **11.30** Б. Гиенко ва М. Левневнинг камер асарлари. **13.30** Рус ҳазил қўшиқлари ва рақслари. **15.15** Ўзбек Давлат филармонияси коллективларининг концерти. **16.10** «Комсомол — бизнинг жанговар ёшлигимиз» деган музикали-адабий эшиттириш. **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Коммунистлар мусобақа илғорлари» деган эшиттириш (русча). **18.10** А. Мачаварнани. «Отелло» сюитасидан парчалар. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда эшиттириш (ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** «Шаҳарликлар — пахта теримида» (русча). **22.40** Поэзия кечаси. **23.15** Дам олиш кончерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Комсомол, сени шарафлайман!» Концерт (русча). **19.00** «Зайнаб ва Омон» операсидан парчалар. **19.30** В. И. Ленин ҳақидаги хотиралардан. Бир ҳужжатни топилма ҳақида (русча). **20.00** Дала меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Корейс куйларидан концерт. **21,00** Қардош республикалар адабиёти. Белоруссия ёзувчиларининг ҳикоялари (ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Татар куйларидан концерт. **14.30** И. С. Тургенев. «Ася» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **16.00** И. Акбаров асарларидан концерт. **17.00** «Поля ўтмоқда» спектаклининг монтажи (русча).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

БУТУНИТТИФОҚ КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «УМИД»

КУБОГИ УЧУН ФУТБОЛ БЎЙИЧА

30 октябрь кеч 6 да — УЗБЕКИСТОН — РСФСР.

1 ноябрь кундуз 3 да —УЗБЕКИСТОН — УКРАИНА.

3 ноябрь кеч 6 да — МОСКВА— УЗБЕКИСТОН.

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА финал ўйинлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29[X да **Улимдан кучли**, 30[X да **Мирзо Улугбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29[X да **Фарғона тонг отгунча**, 30[X да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет циркининг 50 йиллигига бағишланган юбилей программалари. Йўлбарс, сиртлонлар аттракциони.**

Кино

28 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-рена (1 ва 2-серия)—«СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун), «ВОСТОК» (кеч соат 7 ва 9-45 минутда, кичик залда).

Тундаги портлаш —«УЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (кеч соат 9-45 минутда).

Журналист — «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

29 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз 3, кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-рена (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (кундуз соат 1, 4, кеч 7 ва 9-45 минутда, кичик залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 12, 4 да), «ЧАЙКА» (кундуз 12 да).

Тундаги портлаш — «УЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 4 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 12-45 минутда).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 4, кеч 7 ва 9-45 минутда).

Зося — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА 1970 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ? ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ, ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ОБУНА БАҲОСИ ОЛТИ ОЙГА 3 СЎМ, БИР ЙИЛГА 6 СЎМ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30, 31 октябрда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Қундуз Миркаримова**; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилором ШЕРОВА**; Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Дилбар ФАЕЗОВА**; солистлар: **Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Манзура МУМИНОВА, Тўхтахон НАЗАРОВА, Карима УЗОҚОВА** ва бошқалар қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати **Зайтуна ТОЖИБОЕВА** ва **Назрулла ЕҚУБОВ** олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ 28 ОКТЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўжалигн бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579

НАШР 2888.

Р — 04742.